

Махмур (тахаллуси; асл исм-шарифи Махмуд Мулла Шермухаммад ўгли, ?—Кўкон — 1844) — ўзбек мумтоз адабиёти намояналаридан бири. Шоир Мулла Шермухаммад Акмал Хўкандийнинг ўгли. Кўкондаги Мадрасаи Мирда тахсил олган. Умархон кўшинида сарбозлик, сипохийлик килган. Махмур ёшлигидан шеъриятга хавас кўйиб, Саъдий, Хофиз, Жомий, Навоий меросини ўрганган.

Шоирнинг шахсий ҳаёти жуда оғир кечган, бу эса унинг ижодида ҳам ёрқин из қолдириб, кўпчилик шеърларининг мазмун руҳига сезиларли таъсир кўрсатган. Махмур табиатан мунофиқлик ва риёкорликни катъий қораловчи, хийланайранг ва кингир ишларни ёқтирмайдиган, айна замонда, нозик дид ва сержахл, ўз кадркимматини юқори тутувчи инсон бўлган.

Махмурнинг анъанавий девон тузганлиги номаълум. 1950 йилда Пўлатжон Каюмов ва Аскарали Чархийлар изланишлари туфайли Кўконда Махмурнинг ўзбек ва форсий тиллардаги шеърий мажмуаси топилган. Махмур асарларининг деярли ҳаммаси ўз мазмун ва руҳига кўра, ҳажвий ва танкидий йўналишдадир. Мумтоз шеъриятнинг газал, маснавий, мухаммас ва касида турларида яратилган бу асарлар миллий адабиётда ижтимоий ҳажвийётнинг Махмур ижодида янада юксак поғонага кўтарилганини кўрсатади. Шоир ўз давридаги тузумнинг кўпдан-кўп иллатларини кескин танкид остига олган, ўша замондаги адолатсизлик, зўравонлик ва ҳуқуқсизликни фош этган. Бу танкид, кўпинча, «жафокор фалак», «берахм чарх» килмишидан ўтли шикоят, аччиқ тақдирдан, бефайз ҳаётдан нола-фигон тарзида юзага келган.

Кишлоқ ахлининг оч-яланғоч ҳаёти, ўлкани қуршаган вайронагарчилик, харобазорларга айланган кишлоқларнинг аянчли манзараси «Хапалак» сатирасида жонли ва таъсирчан чизилган. Унда шоир жуда катта ижтимоий мазмунни ўзига хос рамзий образларда, халқона кочирик ва аччиқ киноялар, имо-ишоралар воситасида эса қоларли даражада бадиий маҳорат билан ифода қилган. Махмурнинг халқ сўзлашув тилига кўчиб, мақол-маталлар доирасидан мустаҳкам ўрин олган «Товуқи игначию ўрдағу гози — қапалак!; Бир катак, икки қапа, уч олачук, тўрт каталак!; Халқини кўрсанг агар ўласию коқу хароб, очликдан эгилиб қомади мисли камалак» каби мисралари Хапалак қишлоғининг харобага айланганини (шоирнинг онаси шу ерлик бўлган), дехқонларнинг эса ўта қашшоқ ҳаётини ишонарли гавдалантиради. Вайрона қишлоқлар ва бечора дехқон аҳли мавзуи Махмурнинг бошқа шеърларида ҳам шу тарзда танкидий руҳда ҳаётини таҳлил этилган.

Махмурнинг кўпгина ҳажвий шеърлари замонасидаги аниқ шахсларга қаратилган: «Искотий», «Амаким», «Хўжа Мир Асад ҳажви», «Ҳажви Атоий порахўр», «Қози Муҳаммад Ражаб Авж сифатлари» ва б.

Махмур ижодий меросида ҳажв санъатининг мураккаб, айна замонда, маҳсулдор ва ёрқин усуллари билан — ўз-ўзини фош этиш усулида яратилган асарлар алоҳида ўрин тутди. Шоирга замондош тарихий шахслар — юқори лавозимли амалдорлардан Ҳожи Ниёз, Ҳаким Туробий, Мулла Яъқуб Хўжандий қабиларнинг жирқанч табиати ва қабил амалий-ижтимоий фаолиятларини аёвсиз фош этувчи ҳажвийлар бу туркумнинг етук намуналаридир.

Шоир қолдирган адабий мерос ичида «Қаримқули Мехтарнинг сифатлари» деб номланган маснавий алоҳида ўрин тутди. Тарихан ҳаётда бўлган воқеани бадиий баён этувчи бу асарда шоир моҳир ҳажвий — ҳазил шеър устаси сифатида намоён бўлади.

Каримкули Мехтар томонидан ўзига ажратилган совга — отни таърифлаш жараёнида хажвий тасвирнинг гўзал лавхаларини яратади. «Сув ҳам ичса тамогига тикилар, Пашша гар кўнса ёлига йикилар» даражасида кирчанги бўлган, «кунда етти нўхта узар, мисли кўчкор сузар, огзида тишдин асар йўк» от таърифида Махмур халк огзаки ижодининг лоф, аския турлари рухи ва услубида кувнок мисралар битади («Хам харишу хам харобу хам бадном, Икки минг айб ангадур мудом...»).

Махмур — зуллисонайн шоир. Форс тили ва шеъриятини мукамал билган. Бир канча форсий асарлар ҳам яратган. Унинг меросида Шарк шеъриятининг муламма ва ширу шакар турларининг намуналари мавжуд. Махмур ижодий фаолияти ўзбек мумтоз адабиётида танкидий йўналишнинг, айникса, хажвиётнинг тараккиётида навбатдаги юкори боскич бўлди.

Махмурнинг хажвий шеърлар девони сакланган, унда 69 асар (3417 мисра) жамланган, лирик асарлари эса баёзларда учрайди. Махмур адабий мероси кейинги даврлар калам ахли, хусусан, хажвгўйлар ижодига жиддий таъсир кўрсатган. Мукимийнинг Хапалак кишлоги хакидаги хажвияга тахмис боглаганлиги, Махмур юмористик тахлил этган кирчанги от мавзуида 19-аср охирлари ва 20-аср бошларида кўплаб хажвий намуналарнинг пайдо бўлиши хулоса учун ишончли далилдир.

Абдурашид Абдугафуров.

## ШЕЪРЛАР

### МУНОЖОТ ВА ДАРГОҲИ КОЗИЮЛ-ХОЖОТ

*(Хожатларни чиқарувчи кози даргоҳига муножот)*

Амру нахйинг рохи ботил узра эрмиш ёдимиз,  
Кечау кундуз сифотингдур бизи авродимиз,  
Сендин, эй халлок йўқдур нолау фарёдимиз,  
Лек чархи кажравишни дастидиндур додимиз,  
Сенки лутф айлаб анинг дастури даврон айладинг.

Хор килдинг окибат хар кимки эрди аржуманд,  
Паст этдинг соядек, нахлаки бўлди сарбаланд,  
Барча феълинг носутуда, жумла васфинг нописанд,  
Юсуфи Мисрини айлаб чохи зиндон ичра банд,  
Пири канъон манзилини байтул-ахзон айладинг.

Кайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,  
Ким сенинг бедоду жавринг хадду гоятдин бурун,  
Бехунар жохилга бердинг беадад дунёйи дун,  
Жамъи доноларни килдинг холини зеру забун,  
Зогни аъло килиб, тўтини нодон айладинг.

Сийналар маъмурасини селдек килдинг хароб,  
Ахли дил багрини хасрат ўтида этдинг кабоб.  
Феълу атворинг мукаддар, гуфту гўйинг носавоб,  
Лутфинг эрмас бегараз, инъоминг эрмас бехисоб,  
Тифлдек бўлдунг пушаймон кимга эхсон айладинг.

То калам чекти казо лавхи вужуди кун факон,  
Келмади бир ростлик наклинда, эй каж достон,  
Мумтахандурсан ёмонлигда на хожат имтихон,  
Нахли идборинг уза мургеки кўйди ошён,  
Тухми анжум гардишидин сангборон айладинг.

## **ДАР СИФАТИ КИШЛОКИ ХАПЛАК КИ БА МАХДУМ МАХМУР ТААЛЛУК ЁФТА**

*(Махмур махдум алоқадор бўлган Хапалак кишлогининг сифатида)*

Эй жахондори зафар, кавкабаи даври фалак,  
Гўш кил киссаи кишлоки хароби Хапалак.

Турфа кишлоки газаб карда ки паррандалари,  
Товуки игначи-ю, ўрдагу гози капалак.

Вору йўк уйларини банда баён гар килсам,  
Бир катак, икки қапа, уч олачук, тўрт каталак.

Дема уй, балки заминкандур агар кирса киши,  
Хар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак.

Халкини кўрсанг агар ўласию, коку хароб,  
Очликдин эгилиб комати мисли камалак.

Ажириг томирини ўгурида майда туюб,  
Кайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Гар тахорат киса кавми сув тополмай ночор,  
Бетини кум била юб (кўзи)га сургай гувалак.

Эй фалак кадру адолат шийами мулку малак.  
Мархамат чогида рахм айла ба холи Хапалак.

Кеча гўё эшитиб шухрати тилло пулини,  
Хапалак кўркусидан учди мисоли капалак.

Химматинг йўлида бир тепа каромат килгил,  
Капалак боз кўнуб жойига бўлгай Хапалак.

## **ТАЪРИФИ ВИЛОЯТИ КУРАМА ВА АЗ ДАВОНИ КАНДИР ГУЗАШТАН**

*(Курама вилояти ва кандир довонидан ўтишнинг таъриф)*

Эй кўнгил, айлама минбаъд хавойи Курама,  
Бўлмагил боз гирифтори жафойи Курама,  
Махв кил фикр замиридаги ройи Курама,

Ганжи бодовар агар бўлса садойи Курама,  
Борма зинхор сўйи Хотами тойи Курама.

Шарх айлай сифати ходисаи дахри дигар,  
Киссаи булғажабу ходисаи шахри дигар,  
Дашту сахройи дигар, бахри дигар, нахри дигар,  
Обу оши хама заққуму суви захри дигар,  
Арзу афлоки дигар, даври бинойи Курама.

Самадо, сахла дигар бора Кировчи йўлидин,  
Солма ёдимга ани дашти киёмат чўлидин,  
Талхком айлама лутфинг била аччик кўлидин,  
Шиквагар то бўмайин куми Каракчи чўлидин,  
Бир юриб йўлида минг сўкма саройи Курама.

Турфа шаҳрики анинг сарсари монанди самум,  
Куйдирур шиддати сармоси халойикни чу мум,  
Хар тараф анда олиб хайли бало, фавжи хужум,  
Суви захробаи гам, чашмалари айни зақум,  
Хосилу махсули офоти бақойи Курама.

Ёзу киш уру ялангоч нару модасидур,  
Модазоди галаи хирс согин подасидур,  
Олти хуржинни олиб бўйнига озодасидур,  
Сар-сари од дами субхни шаббодасидур,  
Дема тўфонки насими зурафойи Курама.

Менки юрдим Курама ичра босиб кору киров,  
Кўрмадим анда башар синфини гайр аз хару гов,  
Бойини чиннийи жононасидур эски ликов,  
Жоми жамшедасидур бийларини кухна сулов,  
Копи минг йилгиси мирзойи кабойи Курама.

Мавзиёким бўса мохияти исми Курама,

Курусун оти онинг, исмини мендин сўрама,  
Бир кўруб бори дигар, ёнига харгиз йўлама,  
Йўласанг ташна бўлуб йўлида андин сулама,  
Тўла катрони жаханнам хама сойи Курама.

Окибат чарх налар солмади бошимга мени,  
Килди сарсон само заррада бошимга мени,  
Осмон устида тош айлана бошимга мени,  
Солди туз ўрнига кум, кўк уза ошимга мени,  
Бу сазо бирла жазо азми хавойи Курама.

Дея кўрма Курама, хўб ани, хокими хўб,  
Хўблар топмаса Кандир ани йўлида чўкуб,  
Берса Эшонкули юз йилкини олдига суруб,  
Арзимас, тоати хар ранжиги, хуррам бўма кўп,  
Филмасал берса агар дема хавойи Курама.

Токи айвонки ани куллаи кандир дерлар,  
Осмон остида кўталча сифат кир дерлар,  
Устини халк караб, остида пир-пир дерлар,  
Токлар жумла бу Кандир олида ер дерлар,  
Манзари марги муаллак ба самойи Курама.

Токи шохинийи кандир дема Мири газаб,  
Бўлди бу хужжат илан офати дунё сабаби,  
Бўлмасун нега муни марги халойик талаби,  
Хасаби мири газаб, мири ажалдур насаби,  
Модари фавжи бало ходиса зойи Курама.

Кимки Кандирдин ошиб ер юзига боз келар,  
Бахудо шахри фанодин ба бако соз келар,  
Токи хифзи самади олдида мумтоз келар,  
Ё магар лашкари кудсий анга хамроз келар,  
Чунки миърожи казодур бу куройи Курама.

Чархи еттинчики Кандирни фурумоясидур,  
Саъди акбар фалаки минбари шаш поясидур,  
Осмони камари соясининг соясидур,  
Одам ўлдурмок ани робитаи доясидур,  
Килма умрингни хабо бахри гинойи Курама.

Жазм килсанг, анга чикмокни жахондин кеча кўр,  
Ўлтуруб устида аввал кафанингни бича кўр,  
Йўлда канча сув агар бўлса ани сен ича кўр,  
.....  
Бормау, кўрма дуюм бора каройи Курама.

Субх Кандирда насимики, ўтар ул сахари,  
Ул насими сахарий, дема самуми сахарий,  
Совуги захри сакар, иссиги дўзах шарари,  
Турфа тогеки, бaсе одама шоён зарари,  
Куллаи кийри кадар бахри фазойи Курама.

Чиллау кишда ким ул ким киса Кандирда юруш,  
Айлагай ул киши бешак жули астарни бадўш,  
Олгай андин асари шиддати сармо дилу туш,  
Ул замон дўзах агар бўлса килур дар огуш.  
Мисли махбуби пари талъати мохи Курама.

Фарки Кандирда гахиким мен эдим бо дили чок,  
Топмайин тушгани бу холи табох хийла — халок,  
Келди олдимгаки, ул фахри хама хилкати хок,  
Абду Кодир насаби асл абан анжади пок,  
То Кировчи бўлиб ул рох намойи Курама.

Токи бордим бу равиш холки максадга карин,  
Юз надомат била юз фавжи гаромат ба камин,  
Тани Мажнуни алам, комати монанди нигин,  
Тушубон васли жалолатга йирок гамга якин,  
Шукр кўрдим басихат хукми равойи Курама.

Лиллахилхамдки Махмур саропо юрдум,  
Боши Авлук, оёги шахр хаёни кўрдум,  
Неча кун хокимини олдида якто юрдум,  
Борича давлати айёмни бохам сўрдум,  
Шунча бас, килма дуюм бора хавойи Курама.

### **АВСОФИ КОЗИ МУКАММАД РАЖАБ АВЖ**

*(Кози Мухаммад Ражаб Авж сифатлари)*

Бу мажмуи солори воло хасаб,  
Сазовори кози Мухаммад Ражаб.

Эрур Андижон анга асли ватан,  
Вале холиё Янги Кўргонда тан.

Каротепанинг козийи акбари,  
Бўлуб ковму кишлогининг рахбари.

Абан ан жадин Андижон шахридин,  
Эрур Янги Кўргон макони макин.

Агар козини изласанг кайдадур,  
Каротепа, ё Янги Кўргондадур.

Ажаб козийи, кохили, жохиле,  
Бўлуб омилик илмига комиле.

Анинг кўксини чок килсанг, хама,



Гилу гашины пок килсанг хама

Адамдур алиф анда кўп излама,  
Бу нархарни кози дебон сизлама.

Лакаб хофиз, Авж оти анинг,  
Хайуло сувар шакли зоти анинг.

Магар келди Мозандорондин бу дев,  
Жахон рангидин кўркуб, айлар гирев.

Насаб Ож ибни Анугдин эрур,  
Хасаб гул ё асли мугдин эрур.

Чикиб ар-ари килди чандон узун,  
Бўлур сакфи гардунга килсанг сутун.

Кесиб бир шитолангни хам икки йўл,  
Равон айла Жайхуну Сайхунга пул.

Терибдурким офокдин паттани,  
Йигиб кўчадин лакпуриш латтани.

Кийим паттани жамъу пайванд этиб,  
Ани устидин латтани банд этиб.

Килиб тул дасторини юз кулоч,  
Вале эскиликдин эди минг умоч.

Даме гар бузулса бу дастори зор,  
Тузатмокка солгай анга мардикор.

Буриб жумла дарвозани салласи,  
Эшикларни вайрон килар калласи.

Жахон ичра бу козийи девранг,  
Эрур мазхабу миллатн ревуранг.

Тузар ўзини гохи зухходдек,  
Килар шаклини мисли уббоддек,

Гахи марди муллои олим ўзи,  
Гахи боби раддул-мазолим ўзи.

Гахи пешвойи сияхномалар,  
Гахи дохили базму хангомалар.

Юрар гохи дар сурати шайху шоб,  
Гахи зүфунун шакли закки жаноб,

Гахи толиби базлау харзагўй,  
Гахи нозими назми берангу бўй,

**ГАЗАЛИ КОЗИ МУХАММАД РАЖАБ АВЖ ДАР БОРАИ ХУД**  
(Кози Мухаммад Ражаб Авжнинг ўзи тўгрисидаги газали)

Келгил, эй ахбоб, аввал тарзи рафторимни кўр,  
Баъд даври гумбази дастор давворимни кўр.

Кимки дасторимни кўрса ўрни[дин] кўркуб (турар),  
Бетахорат айлаган оламини мурдоримни кўр.

Гохким бошимга саллам ўлмаса, ул дам караб,  
Расму рохи, тўхмату шалток кирдоримни кўр.

Козиликда жамъ килган пулни савдо айласам.  
Асфаласофил деган даврида бозоримни кўр.

То адамдин азмя дунё айладим юз вой ким,  
Кўймадим оламда бир кун нафси каххоримни кўр.

Бошланур боши сабохи уйкудин то ним шом  
Олти эшик, етти тешик, нону нондоримни кўр.

Бир магармажманки юз минг аждахо гар учраса,  
Айларам бир лукма деви жуи ашроримни кўр.

Гарчи мен килдим тахаллус Авж ёлгондур хама,  
Халкнинг остида колган бахти жабборимни кўр.

**АВСОФИ ХОЖИ НИЁЗ**  
(*Хожи Ниёз сифатлари*)

Учинчи эрур хожийи [бад бурут],

Бўлур етти бошлик юхо, икки пут.

Тутар ўзини хожийи Макка хам,  
Борибман дегай Маккага якка хам.

Нишонида йўк зарраи файзи хаж,  
Ани хожи десанг эрур бул хараж.

Гумонимга хаж килмаган бўлса ул,  
Тарики харам билмаган бўлса ул.

Киган бўлса макбули хак бўлмаган,  
Дуоси ижобат карин бўлмаган.

Магар йўлда ул жиннийи рў сиёх,  
Сотиб хажни харж айлаган ул барох.

Зи бас лода, маъжунийи бадкайфдур,  
Анга яхши мадху сано хайфдир.

Олиб неча пулни пайи нафси рев,  
Зихи макру найрангу афсуни дев.

Кўрунг меваи ризк нсботлни,  
Билинг доми тазвири авкотини.

Гахи хожийи фавжи фарзоналар,  
Гахи жиннийи жамъи девоналар,

Гахи миришаб, гах сипохи булур,  
Гахи осилар рўсиёхи будур.

Гахи дохили садри ахли сулук,  
Гахи кобили базми тожул-мулук.

Гахи амри айёру, гах догули,  
Гахи навбахори, гахи омули.

Гахи сохиби ганжи асрор хам,  
Гахи толиби шеъру ашъор хам.

Йигиб неча кун хотири каъбидин,  
Тугуб бу газал мочаи табъидин.

### **ГАЗАЛИ ХОЖИ НИЁЗ**

*(Хржи Ниёзнинг газали)*

Даври фалакда, дўстлар, сарсари танги рох ўзим,  
Гирди жaxonни чарх уруб, сайкали мехру мох ўзим.

Баски пиёда йўл юруб, яхши-ёмонни кўп кўруб,  
Маккада неча йил юруб фазлахўри илох ўзим.

Ўзими сода хам десам, жиннийи лода хам десам,  
(Кетима) хода хам есам хожийи киблагох ўзим.

Даври жахонда колмади мен килмаган гунохи бад,  
Хоси замона ахлида осийи рўсиёҳ ўзим.

Хожийи (бадбурут) десанг, бўзахўри ўгут десанг,  
Олтию тўрт гўрт десанг, рост ўзим, гувоҳ ўзим.

Поча талош каллалар зиллакаши махаллалар,  
Ўғрийи эски саллалар шом ўзим, пагоҳ ўзим.

Хажни сотай йўлда деб, ўлмаин йўлда-чўлда деб,  
Менга киройи кўлда деб, муътарифи гуноҳ ўзим.

Журм десанг кабат-кабат, фиск десанг сабат-сабат,  
Нахс десанг наMAT-наMAT, сўфийи хонакоҳ ўзим.

Шукрки мунча хол илан, хотири пур малол илан,  
Нафси саки вубол илан, тозайи шайху шох ўзим.

Барча вужудим (бесубут), жисмими бори етти пут,  
Абу жадим сагу сафут, бе шаку иштибоҳ ўзим.

Менки тамаъга бандаман, халки жахонда гандаман,  
Нарса тиларга рандаман, хох ўзим, нохоҳ ўзим.

Субхидами силаб юруб, химматим олти [ман] курут,  
Устига етти тўрба тут, лукмахўри пагоҳ ўзим,

Шохи жахонпаноҳга, довари додхоҳга,

Хони зафарсипохга чокари хайрхох ўзим.

Гохи Хўканда миришаб, гохи харамда хакталаб,  
Гох кулухи мустахаб бўлжажаби гиёх ўзим.

Хатми газални айлаган^ белни хатога бойлаган,  
Оши каварни пойлаган хофизи садргох ўзим.

[Бесубути] ягонаман, тантанаи замонаман,  
Жиннийи жовидонаман, масхара дастгох ўзим.

## **ДАР СИФАГИ ХАКИМ ТУРОБИЙИ ХАЗОР ХАЛТА БУДИР**

Бихамдиллах табиби шахру Букроти халойикман,  
Ажалдин хам бани одамни ўлдурмокка фойикман,

Табиби шахр номи ойда бир бемор ўлдурса,  
Вале мен кунда юз бемор ўлдурмокка хозикман.

Мени бадбахт то зарбул-масал бўлдум табибликда,  
Жахон ворича акнун кўп хакоратларга лойикман.

Хакими шахр деб, олдимга хар ким келди ўлдурдим,  
Тарики ростим шулдурки, жаллоди кдлойикман.

Эрур кўп нохак (ишлар) гарданимга тавки лаънат ким,  
Жаханнам садрига бу журм илан сардори собикман.

Адамдин то келибман даври оламда хисолим шул,  
Муслмонларга хосидман, мунофикка мувофикман.

**ДАР СИФАТИ ХАКИМ ТУРОБИЙИ ХАЗОР ХАЛТА**  
(*Хаким Туробий хазор халта сифатида*)

Бешинчи табиби Туробий эрур,  
Саломига лаънат жавоби эрур,

Ажаб бир хакими шаковат сиришт,  
Макомига дўзах эрур сарнавишт.

Кезар дашту сахро касал истабон,  
Ажал оркасидин юрар кистабон,

Жахон ичра ул жоҳили нобакор,  
Ажал илгин олганга келди дучор,

Ёзиб олдига икки минг халтани,  
Йигиб эски юз лак тугун латтани.

Терибдур дўкониға тўксон тувак,  
Солиб хар тувак ичра ўн уч сумак,

Кимиким тувакдин талаб килса нўш  
Берур нўш дору дебон маргимуш.



Эрур ранги киш чнлласидин совук,  
Хакоратга бопу сўкарга ёвук.

Анга бори зиллат тўшатсанг савоб,  
Юзига тахорат ушатсанг савоб.

Курарман они гох дўконида,  
Туруб икки шайтон ани ёнида,

Келар олдига кимки дору сўраб,  
Ба ахволи ранжури дарду тааб.

Берар захрни нўш дору дебон,  
Ани ўлдуруб беажал шул замон.

Жахон ичра бул аблахи пур фусус,  
Килур ўзини сонийи Жолинус.

Юрар гох хикмат усулида ул,  
Гахи муддаи шеър йўлида ул.

Тарики хазокат билан ул жахул,  
Топиб бу газални зи рохи усул.